



“15” июль 2021 й. № 02-06/3473

**Рекламадан фойдаланувчилар,  
ижтимоий тармоқ фаол  
фойдаланувчилари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Маълумки, дунёнинг кўплаб давлатларида таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори меъеридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига алоҳида белгилар қўйилади ва уларнинг очиқ тарғиботи ҳамда рекламаси тақиқланган.

Шунингдек, ёш болаларда ортиқча вазн бўлишининг олдини олиш мақсадида мактаблар яқинидаги очиқ шаҳобчаларда тез тайёр бўладиган овқатлар (фасд-фуд) сотилишини чеклаш билан болалар учун зарарли овқатлар рекламасига ҳам таъсир қилиши кўзда тутилмоқда.

Мутахассислар фикрича, семириб кетишнинг ёки ортиқча вазннинг пайдо бўлишига нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи, юқори калорияли озиқ-овқатлар, шакарли ва спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш, уйқу бузилиши (кам ёки ортиқча уйқу), узок телевизор кўриш ва жисмоний фаолият камлиги сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, семиришга олиб келувчи омиллар орасида таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори меъеридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам келтириш мумкин.

Ўз навбатида, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори меъеридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламасида уларни истеъмол қилишга ундовчи жозибадор лавҳалар тақдим этилиши сабабли, рекламадан фойдаланувчилар истеъмол қилаётган маҳсулотнинг ёшга доир ва суткалик меъёрларига ҳар доим ҳам амал қилмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, ушбу қонуннинг асосий вазифалари истеъмол маданиятини такомиллаштириш, маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олишдан иборат.

Юқоридагиларга асосан, Сиздан, товар (иш, хизмат)лар рекламасидан фойдаланганда уларнинг таркиби, хусусиятлари ва тавсия этилган суткалик меъёрларига эътибор беришингиз ҳамда оқилona танловни амалга оширишингиз тавсия этилади.

**Директор ўринбосари**



**А. Курбонов**